**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
_____ А.К.Киргизбаев
"30" 08 2022 йил

# МУСИҚА ТАЪЛИМИДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИ

## ФАННИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| Билим соҳаси: | 100000 – Таълим |
| Таълим соҳаси: | 110000 – Таълим |
| Магистратура мутахассислиги: | 70111301- Мусиқа таълими ва санъати |



CamScanner yordamida skanerlangan

<table>
<tr><td colspan="2">Фан/ модул коди<br>MTMFO'N205</td><td>Ўқув йили<br>2023-2024</td><td>Семестр<br>4</td><td colspan="2">Кредитлар<br>5</td></tr>
<tr><td colspan="2">Фан модул тури<br>мажбурий</td><td colspan="2">Таълим тили<br>Ўзбек, рус</td><td colspan="2">Ҳафтадаги дарс соатлари<br>4</td></tr>
<tr><td>1</td><td>Фаннинг номи</td><td colspan="2">Аудитория машғулотлари (соат)</td><td>Мустақил таълим (соат)</td><td>Жами юклама (соат)</td></tr>
<tr><td></td><td>Мусиқа таълимида мутахассислик фанларини ўқитиш назарияси</td><td colspan="2">60</td><td>90</td><td>150</td></tr>
</table>

2

**I. Фанни ўқитишдан мақсад:**

Магистратура йўналишида таҳсил олувчи магистрант педагогик тадқиқотлар Олий ва профессионал таълимда мутассислик фанларни ўқитиш методикаси, жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишда қидирувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш лозим. Магистрантларни илмий-педагогик фаолиятига тайёрлашда мазкур фан муҳим аҳамиятга эга.

**Фаннинг вазифаси** – Фанни ўқитишдан мақсад – бўлғуси магистрга мусиқий фаолият ва Олий ва профессионал таълимда мутассислик фанларни ўқитиш методокаси хусусиятлари ва қонуниятлари ҳақида билим ва малакаларни, шунингдек уларни келгуси касбий амалий фаолиятида қўллаш тажрибасини ҳосил қилиш.

**II Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

**II.I- Фан тарикибига қуйидаги мавзулар киради.**

**I – МОДУЛЬ. Мусиқа таълими назарияси.**

**1-2-Мавзу. Мусиқа таълимида мутахассислик фанларини ўқитиш назарияси.**

Фаннинг мазмуни олий ўқув юртларининг бўлажак ўқитувчиларини педагогиканинг назарий ва амалий асослари ёрдамида педагогик маҳорат, кўникма ва малакалар билан таништириш. Бўлғуси мутахассисларга ўзлари танлаган ихтисос бўйича иқтидор, педагогик маҳорат, миллий онг, миллий тарбия, ўз-ўзини англаш ёш авлодни тарбиялашда алоқадор бўлган тарбия воситалари, манбаларда педагогик фаолиятда самарали қўллай олишга ўргатиш. Бу билан магистрларга нафақат билим бериш, балки уларни



CamScanner yordamida skanerlangan

мутахассис бўлиб етишиш йўлларини топишга кўмаклашишдан иборат.

**3-Мавзу. Мусиқа ўқитувчисининг касбий сифатлари ва педагогик маҳорати.**

Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян холатда (хар хил синфларда турлича) педагогик таъсир кўрсатиш. Бунда унинг ташқи кўриниши, нутқ маданияти, мавзу мазмуни қай тарзда ўқувчиларга етказиб беришлари. Ўқитувчи синфни жалб этиб янги мавзуни ёритиш учун унинг жонли ижроси, овози, кўразмали қуроллар, тарқатма материаллар, техник воситалар ёрдам бера олиши. Ўқитувчи ўз фикрини асар тўғрисидаги ёки мусиқа саводини, ишонч билан далиллар билан исбот билан тушунтириши.

**4- Мавзу. Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари.**

Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари. Олий таълим муассасаларида мусиқий фанларни ўқитишда қўлланиладиган шакл, метод ва воситалар. Мусиқий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш. Мусиқий фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулотларини лойиҳалаштириш.

**5 – мавзу. Мусиқа фанларини ўқитиш методикасини педагогик принциплар тизими.**

Мусиқа таълимига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар: дидактик назарияси ва принциплари, мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик, ривожлантириувчи таълим, турлари, табақалаштирилган ёндашув, фалсафий –эстетик йўналиш, мусиқашунослик йўналиш, умумий мусиқа таълими тузилиши.

**II – МОДУЛЬ. Мусиқа таълими амалиёти.**

**6-7 Мавзу. Мусиқа таълими фанларини ўқитиш методлари.**

Мусиқа ўқитиш методикаси, мусиқа ўқитишнинг қонун –қоидалари, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, билиш жараёнида изланишга ундовчи методлар, эмоционал драматургия методи, хусусий метод, турлари, мусиқа таълимида иллюстрация методи, деференциал гуруҳлар, шахсни ривожлантиришда мусиқанинг ўрни, бола шахсини шакллантириш, эстетик шакллантириш, боланинг жисмоний тарбияланишида мусиқанинг роли, мусиқий таълимда мусиқий фаолиятлар, идрок ҳақида маълумот бериш.

**8 – 9 -мавзу Мусиқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойиҳалаш.**

Мусиқа таълими фанларини ўқитишда маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш. Мусиқа таълими фанлари бўйича семинар машғулотларини ташкил этиш. Мусиқа таълими фанлари бўйича амалий машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш.



CamScanner yordamida skanerlangan

**10-мавзу. Олий таълим мусиқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти. 2**

Инновацион таълим муҳитининг назарий асослари. Олий таълим мусиқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари. Педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари. Педагогик технологияларнинг турлари ва йўналишлари.

**11-12-мавзу. Мусиқа таълимида мутахассислик фанларни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.**

Дарс машғулотларини юқори савияда ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш. Ўқитувчиларнинг тажрибаларни пухта ўзлаштириш, дарс ўтишда турли технологиялар, усул ва методлардан фойдаланиш. замонавий интерфаол усулларни дарс самарасини оширишга ўқувчиларда мантиқий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантириши ва мусиқий қобилиятларни ривожлантириши.

**13 -маъвзу.Мустақил таълим. Ўқитувчи Фасилитатор.**

Олий таълим тизимида мустақил таълим талабаларнинг билим олишдан мақсадлари ва шу мақсдга қандай эришишлари. Мавжуд ўқув ресурслардан фойдаланган ҳолда амалдаги ўқув дастурлари доирасидаги материалларни ўзлаштириш. ОТМ педагогларида мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантиришда самарадор бўлган технологияларни аниклаш ва уларни ўзлаштириш. Фасилитатор.

**14-15-мавзу Мусиқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.**

Мусиқа тарбиясини ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилиши, хорижий мамлакатларнинг ўқув меъёрий ҳужжатлари, Юнеско қошидаги мусиқий тарбия, мукаммал ривожланган шахсни ривожлантириш, мусиқий тарбияни умумдавлат аҳамиятга эга эканлиги, АҚШ ва Англиядаги мусиқа таълими тизими ва дарсдан ташқари тўгараклар, коллежлардаги ўқиш ва педагогик йўналишлар мусиқа ўқитувчиларни тайёрланаши. Британия радиоси орқали олиб бориладиган мусиқий эшиттиришлар, Дж. Кервен тизими, қироллик мусиқа коллежи фаолиятида мусиқа таълими.

Японияда, Швейцарияда, Венгрияда, Германияда мусиқа таълими тизими. Гўзалликни улуғлайдиган мамлакатдаги машғулотлар, Япониядаги муаллимларнинг бошланич синфларга эътибори, «Судзуки» тизими, Япониядаги хор жамоаси, ёш скрипкачилар оркестри, Япониянинг куйловчи овозлари, юқори синфлардаги эстетик тарбия.

Эмил Жак-Далкрознинг мусиқий тарбия тизими. "Жак - Далкроз" институтини ташкил этилиши. Е.Жак-Далкроз, Золтан Кодай, Карл Орф томонидан ишлаб чиқилган мусиқий тарбиянинг яхлит тизимлари ва турли мамлакатлардаги мусиқий тарбияга таъсири.



CamScanner yordamida skanerlangan

**III. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар:**

Семинар машғулотларида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини касбийлик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган муаммоли ва активлаштирувчи ўқитиш технологиялари, ўқув ва интерактив шакл ва услублар қўлланилади.

**Семинар машғулотнинг мавзулари:**

1. Мусиқа таълим жараёнининг қонуниятлари.
2. Мусиқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари .
3 Умумий мусиқий таълимнинг интерфаол услублари
4 Мусиқа идроки ва тинглаш маданиятини шакклантириш технология ва усублари.
5. Вокал-хор ижрочилиги маданиятини шакллантириш
6. Мусиқа ўқитишда функционал ёндашув.
7. Ўқувчиларнинг ҳамкорлик қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш.
8. Бошланғич ва ўрта синфларда мусиқани ўқитиш.
9. Ўқувчиларда мусиқий қобилиятларни дунёқарашини кенгайтириш
10. Мусиқадаги мазмун ва маъноларни талқин қилиш ва мусиқа билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғулар, ва тажрибаларни шакллантириш.
11 . Ўқувчиларни мусиқа билан ижодий муносабатларини ривожлантириш
12 Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.
13. Мусиқа таълими фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш.
14. Мусиқий таълимда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни қўлланиши.
15. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар:

Амалий машғулотлар бўлажак мусиқа ўқитув чиларида касбийлик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган.Машғулотларда муаммоли ва активлаштирувчи ўқитиш технологиялари, ўқув ва интерактив шакл ва услублар қўлланилади

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

**Аудиториядан ташқари вақтда бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилиши тавсия этилади:**

- эссе – долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрларда ёзма баён қилиш;
- докладлар тайёрлаш;
- курс иши ёзиш;
- конспект ёзиш;



CamScanner yordamida skanerlangan

- глоссарий тузиш;
- индивидуал ва гуруҳий ўқув лойиҳаси;
- кейс-топширикларини бажариш;
- мавзули портфолиолар тузиш;
- ахборот-таҳлилий материаллар билан ишлаш;
- манбаалар билан ишлаш;
- инфографика тузиш;
- чизма-тасвирий моделлар (интеллект-карт, фрейм, мантиқий граф ва ҳ.к.) яратиш;
- мултимедиали тақдимотлар яратиш;
- дарсларнинг методик ишланмаларини тайёрлаш;
- дарсдан ташқари машғулотлар ишланмаларини тайёрлаш;

таълим йўналиши(мутахассислик)нинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларнинг бошқа турларидан фойдаланиш мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил таълимнинг мавзулари:

Ўрганиладиган фан бўйича магистрларга мустакил ишни ташкил этиш учун қуйидаги иш шакллари тавсия қилинади:

1. Мусиқа ўқитиш методикаси фанни шаклланиши.

2.Республикамизда мусиқа ўқитиш методикасини шакллантиришдаги изланишлар .

3.Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишдаги методлар.

5. Дарсларни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш.

6.Голландиядаги болалар мусиқий тарбия тизими.

2. Хорижий мамлакатлар мусиқа тизимида қўлланиладиган услублар.

3. Россияда мусиқа талими тизими.

4. Педагог, мусиқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевскийнинг (1909-1982) ҳозирги замон мусиқий тарбиясидаги тизими.

5. Эстониядаги болалар мусиқий тарбияси тизими.

6.Мусиқа таълимида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

4. Мустақил иш турлари

5. Иқтидорли талабалар билан ишлаш методлари.

6.Мусиқа таълими фанларини ўқитишда дарс сифатини ривожлантиришда қўлланиладиган илмий-тадқиқот методлари.

7.Педагогик технологиялар, таърифи, кўринишлари, асосий йўналишлари мавзуларини ўзлаштириш.

8. Мусиқа маданияти дарсларининг 1,2 синфлари учун ўқув қўлланмада берилган календар режани қайта ишлаш ва 1-синф 1-чорак дарси учун 1 соатлик дарс ишланмасини инноватцион технология услуби асосида тузиш.

9. Педагогик технология чизмасига амал қилган ҳолда мусиқа маданияти дарсларини 2- синф 1-чорак мавзуси бўйича дарс ишланмасини



CamScanner yordamida skanerlangan

| | |
|---|---|
| | тузиш.<br>10. Инновацион технологияларини ўзлаштириш ва шу технология асосида 1-4 синф мавзуси бўйича дарс ишланмаси тузиш ва тарқатма материаллар тайёрлаш.<br>11. Инновацион технологияларни қўллаб 5-7-синф мавзулари бўйича дарс ишланмасини тузиш ва тарқатма материаллар тайёрлаш.<br>12. Педагогларда ижодий-педагогик фаолият малакалари.<br>13 Мусиқа таълими фанларини ўқитишда ўзига хос сифатлари.<br>14. Мусиқа таълими фанларини ўқитиш сифатларини ривожлантириш йўллари.<br>15. Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси |
| 3 | **V. Фан ўқитилишининг натижалари (Шаклланадиган компетенциялар)**<br>**Фанни ўзлаштириш натижасида магистр:**<br>• Олий ўқув юртларининг бўлажак ўқитувчиларини педагогиканинг назарий ва амалий асослари ёрдамида педагогик маҳорат, кўникма ва малакалар- бўлғуси мутахассисларга ўзлари танлаган ихтисос бўйича иқтидор, педагогик махорат, миллий онг, миллий тарбия, ўз-ўзини англаш ёш авлодни тарбиялашда алоқадор бўлган тарбия воситари, манбаларда педагогик фаолиятда самарали қўллай олишга ўргатиш ***тассаввур ва билимга эга бўлиши***<br>Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян холатда (хар хил синфларда турлича) педагогик таъсир кўрсатиш. Бунда унинг ташқи кўриниши, нутқ маданияти, мавзу мазмуни қай тарзда ўқувчиларга етказиб беришлари.<br>Ўқитувчи ўз фикрини асар тўғрисидаги ёки мусиқа саводини, ишонч билан далиллар билан исбот билан тушунтириши.<br>• Мусиқий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш. Мусиқий фанларни ўқитишда инноваtsion технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулотларини лойиҳалаштириш ***кўникмаларга эга бўлиши*** |
| 4 | • Мусиқа ўқитиш методикаси, мусиқа ўқитишнинг қонун –қоидалари, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, билиш жараёнида изланишга ундовчи методларни<br>Мусиқа таълими фанларини ўқитишда маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ***малакага эга бўлиши.***<br><br>**VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• Маърузулар<br>• Интерфаол кейс –слайдлар;<br>• Семинар (мантиқий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• Гурухларда ишлаш<br>• Тақдимотларни қилиш |



CamScanner yordamida skanerlangan

| | |
|---|---|
| | • Индивидуал лойиҳалар<br>Жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар |
| 5 | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича тест ишини топшириш |
| 6 | **Асосий адабиётлар:**<br>1. Каримова Д.А.Мусиқа ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш.Т.; Дарслик, "LESSON PRESS"нашриёти, 2021йил<br>2.Шарипова Г.Мусиқа ўқитиш методикаси -Т. Турон -Истикбол 2008<br>3.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновасион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2008. – 180 б.<br>**Қўшимча адабиётлар.**<br>4.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 488 б.<br>5.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2016. - 56 б.<br>6.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.<br>7.Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 104 б.<br>8.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.<br>9. Каримова Д.А.Мусиқий педагогик маҳорат асослари –Ўқув қўлланма. Т.Молия иқтисод 2008.<br>10.Каримова Д.А.Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув услубий мажмуа.Т.2019 йил.<br>11. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.– Т.: Молия, 2003. – 192 б.<br>12. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т.: Музыка, 2005. |



CamScanner yordamida skanerlangan

| | |
|---|---|
| | 13. Орипова Р. Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари муассасалардаги мусиқий тўгараклар мисолида). -Т., 2007,<br>14. Соипова Д. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. -Т.:Фан ва технологиялар нашриёти, 2005 й.<br>15. Соипова Д Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси -Т.2009 ЎзДК<br>16..Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана<br>Ахборот манбаалари:<br>1. http://www.eduportal.uz<br>2. http://www.multimedia.uz<br>3. http://www.bimm.uz<br>4. http://www.pedagog.uz<br>5. http://www.ziyonet.uz.<br>6 http://www. natlib.uz |
| 7 | **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ишлаб чиқилган ва университет Кенгашининг 2022 йил "______" даги қарори билан тасдиқланган** |
| 8 | **Фан модул учун маъсул ва муаллиф:**<br>Каримова Д.А. Низомий номидаги ТДПУ "Мусиқа назарияси ва методикаси" кафедраси доценти |
| 9 | **Тақризчилар:**<br>Азимов Б.Г – Ўз. Д К "Мусиқий педагогика" кафедраси педагогик фанлари фанлари номзоди, доцент<br>Режаметова Н.И. – «Мусиқа назарияси ва методикаси » кафедраси доценти, PhD |



CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan